

## СУНЬИЙ ҲАЁТ ВА АНИМАТЛАР

Куватов Сиддиқ Бегалиевич

### **Аннотация:**

Мазкур мақолада суний интеллект ва аниматларни ривожлантириш, тадқиқот доирасида ўзига хос сунъий мавжудот яратилади. Сунъий интеллект тадқиқот юналишларидан бири – “бу суний ҳаёт” деб номланувчи тадқиқот соҳасидир. “Суний ҳаёт ” юналишидаги тадқиқотларнинг асосий мақсади биологик ҳаётни ташкил этиш тамоилларини ва унинг эволюция жараёнида ривожланиш жараёнини очиб беради.

**Калит сўзлар:** Суний интеллект, Аниматлар, Адаптив ҳатти ҳаракат, суний ҳаёт.

### **Аннотация:**

В данной статье уникальное искусственное существо создается в рамках исследований и разработок искусственного интеллекта и анимации. Одним из направлений исследований искусственного интеллекта является область исследований, известная как «искусственная жизнь». Основная цель исследований в области «искусственной жизни» — раскрытие принципов организации биологической жизни и процесса ее развития в ходе эволюции.

**Ключевые слова:** искусственный интеллект, анимация, адаптивное движение, искусственная жизнь.

### **Abstract:**

In this article, a unique artificial creature is created as part of the research and development of artificial intelligence and animation. One area of artificial intelligence research is a field of study known as “artificial life.” The main goal of research in the field of “artificial life” is to reveal the principles of organization of biological life and the process of its development during evolution.

**Keywords:** Artificial intelligence, animation, adaptive movement, artificial life.

### **Кириш**

Сунъий интеллект - бу инсоннинг когнитив функцияларини имитация қилувчи (жумладан, ўз-узини ўргатиш ва олдиндан белгиланган алгоритмсиз ечимларни излаш) интеллектуал компьютер тизимларини ишлаб чиқиши билан шуғулланувчи ва муайян материаларни бажаришда ҳеч булмаганды инсон интеллектуал фаолияти натижалари билан таққосланадиган натижаларни оладиган информатика соҳасидир. Сунъий

интеллектнинг асосий хусусиятлари тилни тушуниш, ўқитиш, фикрлаш, ҳаракат қилиш қобилиятидир. Сунъий интеллект информатика, кибернетика, когнитив фанлар, мантиқ, математика, тилишунослик ва психология билан ўзаро алокада бўлган фанлараро йуналиш сифатида ривожланмоқда. Сунъий интеллект соҳаси биржинсли эмас ва унда турли хил тадқиқот йуналишлари мавжуд, уларнинг асосийлари: ҳолатлар фазосида қидирув, машинали ўқитиш, билимларни ифодалаш. Ҳолатлар фазосида қидирув "эвристик дастурлаш" атамаси билан ифодаланган сунъий интеллект соҳасидаги биринчи доминант йуналиш бўлган. Бу йуналиш доирасида сунъий интеллектнинг биринчи парадигмаси шаклланди: Фикрлаш варианtlар фазосида излаш йўли билан масалаларни ечиш сифатида. Эвристик дастурлашда марказий тушунча варианtlар дарахти ёки ҳолатлар фазоси тушунчалик ҳисобланади. Дарахтнинг илдизи бошланғич ҳолатни ифодалайди, ундан шохлар пайдо бўлади, бу ҳолатни қандай ўзгартириш мумкинлигига мос келади. Авлодлари бўлмаган дарахтнинг барглари тугатиш мезони бажарилган ҳолатларга мос келади. Баъзи бир масалани ҳал қилиш масаланинг шартларини шаклантирадиган баргни топиш ва дарахтнинг илдизидан шу баргача булган йулни кўришга келтирилади. Бунда чуқурлик ёки кенглик бўйлаб қидирувни амалга ошира оладиган ҳосил қилувчи процедура деб аталадиган процедура қўлланилади. Интеллектуал тизимларда билимлар базасини шаклантириш учун билимларни ифодалаш моделлари ёрдамида уни формал тавсифлаш керак. Бундай моделлар сифатида декларатив ва процедурали моделлардан фойдаланиш мумкин. Типик декларатив моделлар гурухига одатда тармокли ва фреймли моделлар. процедурали моделлар гурухига эса мантикий ва продукцион моделлар киради.

Ушбу тадқиқот доирасида ўзига хос сунъий мавжудот яратилади ва қандайдир маҳсус яратилган "оламга" жойланади. Одатда, бу катта бўлмаган йетарлича содда қонунларга ега бўлган виртуал оламdir. Айrim ҳолларда ушбу мавжудотлар амал қилиши учун полигон сифатида, асосий ролда интернет бўлган реал рақамли олам олинади.

"Сунъий ҳаёт" юналиши чегарасида мавжудотлар реал жисмоний оламга жойлаштирилмайди, чунки унда ҳозирча сунъий мавжудотларни эволюциясини ташкил қилиб бўлмайди. Бошқа "Аниматлар" ёки "Адаптив ҳатти ҳаракатлар" деб номланувчи турдош тадқиқот юналишларда амалга ошириш иккиласми ҳисобланади.

"Сунъий ҳаёт" юналишидаги тадқиқотларнинг асосий мақсади биологик ҳаётни ташкил этиш тамоилларини ва унинг эволюция жараёнида ривожланиш жараёнини очиб беради. Шу билан биргалиқда ушбу юналиш доирасида нафақат ҳаётнинг конкрет йер шароитидаги шакли, балки умуман олганда мумкин бўлган ҳаёт шароитидаги яшаш ҳолати ҳақида саволлар ҳам юзага келади.

"Сунъий ҳаёт" га хос бўлган мавжудотлар жойлашган енг содда виртуал дунёни кўрайлик. Бошқа кўпгина ҳолатлардагидек бу дунё катаклардан иборат бўлиб, уларда ўтхўр жонивор, ўсимлик ёки йиртқич бўлиши мумкин. Ҳайвон маълум бир хужайрада

жойлашган бўлиб “сезгичлар” орқали маълум миқдордаги қўшни ҳужайрадаги мавжудотлар ҳақида маълумот беради. Бундай ҳолатда ҳайвон мумкин бўлган ҳаракатларнинг бирини амалга ошириши мумкин. Ўз ўрнида қолиш ёки кўчиш, агар у бошқа обект билан ўзаро таъсирга киришиш масалан уни йейиши ёки унга ҳужум қилиши мумкин. Одатда кўпайиш имконияти киритилади. Ҳар қандай ҳаракат овқатланиш ҳисобига тўлдирувчи энергияни талаб қиласи.

	y*	8*	8*	
	8*	8*	8*	РН
**		РН		HY
		HY		

Катакларда ҳайвонлар (Н), йиртқич (Y) ёки ўсимлик жойлашган ҳамда ҳайвонлар кўриб турган катаклар бўйлаб кўрсатилган “сунъий олам” фрагментига мисол.

Бу оламда ёки фақат ҳайвонлар йиртқичлар ҳам ривожланиши мумкин. Эволюция қилувчи, одатда ҳайвонларнинг жисмоний параметрлари бўлмайди. Балки бошқарув дастури бўлади. Бошқарув дастурларнинг ранг-баранг лиги, уларни геномда кодланиши ва генетик операторларни амалга оширилиши, авлодларда бошқарув дастурларни ўзгариши тўлалигича яратувчига боғлиқ бўлади.

Бундай суний оламда онгни юзага келишини кутиш соддаликдир, ва камдан кам тадқиқотчи шундай суний олам яратишни мақсад қиласи. Унда суний оламни яратишда мақсад нимада. “Агар суний ҳаёт” аниқ равишда англаган мақсадларсиз яратилса у ҳаттоқи жудаҳам жозибали бўлиши мумкин. Лекин у суний интеллект соҳасидаги тадқиқот ҳисобланмайди.

“суний ҳаёт” ёрдамида тадқиқот қилинадиган саволлар жудаҳам хилма хил.

Масалан эволюция барқарор стратегиялар концепсияси моделлаштириш орқали синовдан ўтказилади.

Мисол учун, турларга иккита ҳатти ҳаракат стратегиясига-кооперация ва тажовузкорликка амал қилиш имконияти мумкин бўлсин. Агар иккита бир бирига дуч келадиган индивидлар кооперацияни танлашса, у ҳолда улар озгина ютуқقا эришади. Агар биттаси кооперацияни, иккинчиси тажовузкорликни танланса, биринчи индивит катта тафовут кўради. Иккинчиси эса ютуқقا эга бўлади. Агар иккала ҳам тажовузкорликни танланса, унча катта бўлмаган зарар кўради. Умумий кооперация иккита тур учун ҳам оптимал бўлар экан.

Шу билан бирга, моделлаштириш шуни кўрсатадики, охир оқибатда аралаш стратегияга эга бўлган популация шаклланади. Баъзи индивидлар тажовузкорликни намоён

қиладилар. Баъзилари эса ҳамкорликни афзал қўрадилар. Ҳар иккала тарафлар ҳам узига хос ҳатти харакатлари ва юқотишларининг аниқ бир қийматлари билан белгиланади.


Яна бир қизиқарли мисол- суний ҳаёт моделларида Baldwin эффектини синовдан ўтказиши. Бу эффектнинг моҳияти шундан иборатки организмларнинг ўз ҳаёти давомидаги ўрганишлар натижасида эгаллаган қўнималари, маълум бир авлоддан кейин геномда ёзилиб қолади.

Суний ҳаёт юналишига “адаптив ҳатти харакатлар” ва “катакли автоматлар” каби соҳалар ҳам бирикади. Улардан биринчисининг доирасида ҳатти-харакатларнинг мураккаб шакллари ўрганилади, аксарият ҳолларда улар нафақат виртуал оламларда, балки физик қурилмаларда ҳам намоён бўлади. Ушбу виртуал организмлар ёки физик қурилмалар аниматлар деб аталади (**анимат = анимал + робот**)

Бу ерда эволютсияга камроқ эътибор берилади, лекин адаптация ва ўрганишга кўпроқ эътибор қаратилади. Аникроғи, ушбу соҳадаги тадқиқот мавзуси адаптив ҳатти-харакатлар: у нимани англатади, ўзгарувчан ташқи муҳитга мослашиш қобилиятига эга бўлиши учун бошқарув тизимларининг архитектураси қандай бўлиши керак ва ҳоказолар тадқиқот предмети ҳисобланади.

Эволюция жараёнида адаптив ҳатти-харакатнинг юзага келиши – бу юналишдаги муаммолардан биридир (гарчи бу муаммо, балки калит муаммо ҳисобланади). Бу ерда эволюцияни моделлаштиришдан аниматсияларни бошқариш учун оптималь тузилмаларни топиш учун ҳам фойдаланиш мумкин, аммо бу ҳолда тузилмаларнинг ўзи эмас, балки уларнинг конкретлашуви топилади, чунки излаш фазоси (ушбу тузилмаларни тавсифлаш усули) тадқиқотчи томонидан белгиланади.

Аниматларнинг атроф-муҳит билан ўзаро таъсириининг энг умумий схемаси 18-расмда кўрсатилган.




Анимат ҳаракатларни амалга ошириши мумкин бўлган эфекторлар тўплами, шунингдек, атроф-муҳитдан мустаҳкамлаш ва жазо оладиган "тана" мавжуд бўлиб, у фақат маълумот таъсир қиладиган бошқа сенсорлардан фарқ қиласи. Кейинчалик, ушбу умумий блокларнинг (хусусан, бошқарув тизимлари) конкретлаштириш ҳақида савол

юзага келиши мумкин. Бундай аниқлашлар табиий тизимлар адаптив ҳатти ҳаракатидан олиниши ёки қандайдир ғояни текшириш учун суний равища танланиши мумкин.


Катакли автоматлар, аниматлардан фарқли ўлароқ, аксинча, энг оддий элементлардан иборат бўлади ва оддий қоидаларга мувофиқ амал қиласди. Классик катакли автоматларда бу қоидалар қўйидагича – катакларга бўлинган майдон мавжуд, майдоннинг ҳар бир катаги иккита ҳолатдан бирида бўлиши мумкин: тирик ва ўлик. Тирик катақ иккитадан кам ёки учтадан ортиқ тирик қўшнилари бўлса ўлади. ўлик катақ, агар унинг айнан учта қўшниси бўлса, жонланади. Барча катаклар бир вақтнинг ўзида ўз ҳолатини ўзгартиради. Бу қоидалар маълум даражада тириклик хусусиятларига асосланади: ахолининг ҳаддан ташқари зичланганлиги ёки сийраклиги ҳаёт учун қулай эмас. Ушбу қоидаларнинг турли хил модификациялари ҳам мавжуд, аммо катакли автоматларнинг умумий ғоялари бундан ўзгармайди.

Келинг, баъзи қизиқарли конфигуратсияларга мисолларни кўриб чиқайлик:




19-rasm. Uchta taktda yo‘qolib ketadigan konfiguratsiya.

b) vaqt o ‘tishi bilan o ‘zgarmaydigan statik konfiguratsiya (20-rasm);




20-rasm. Ikkita statik konfiguratsiya.

c) bir necha taktdan kevin asl holiga qavtadigan osilatorlar (21-



21-rasm. 2 takrorlash takti davriyiligidagi osilatsiya qilinuvchi



22-rasm. 5 takt davriyilikda yalanadigan va ko'chadigan "bumerang" konfiguratsiyasi.

э) ўта барқарор конфигуратсиялар ёки "ютувчилар", "бумерангларни" ютиб юборган холда ўзлари ўзгармайди;

д) ўз-ўзини қайта ҳосил қилувчи конфигуратсиялар.

Катакли автоматлар мисолида тирик (ва, аслида, ўлик) материалга хос бўлган ўз-ўзини ташкил этиш муаммолари ўрганилади. Оддий локал қоидалар ҳам жуда мураккаб ва узайтирилган конфигурациялар ва ҳатто ўз-ўзидан ташкил этувчи конфигурациялар мавжуд бўлишига имкон беради. Бироқ, бу ҳақиқий ўз-ўзини ташкил этиш содир бўлаётганини англатмайди. Амалда, тасодифий конфигурациялар одатда тезда бир-бирига боғлиқ бўлмаган ва жуда оддий статик ёки осилатсия қилинувчи конфигурациялар тўпламига айланиб қолишини кўриш қийинчлилик туғдирмайди. Аслида, катакли автоматларда қизиқарли конфигуратсияларни яратиш қобилияти Туйринг машинаси учун ихтиёрий дастурларни ёзиш қобилиятига қараганда ажабланарли эмас.

## FOYDALANILGAN ADABIYOTLAR

1. Потапов А.С. Технологии искусственного интеллекта - СПб: СПбГУ ИТМО, 2010.- 218 с.
2. Иванов В. М. Интеллектуальные системы: учебное пособие Екатеринбург: Изд.- во Уральского университета, 2015.– 92 с.
3. Остроух А.В. Интеллектуальные системы. – Красноярск:мм Научно- инновационный центр, 2015. – 110 с.
4. Морозова В. А., Паутов В. И. Представление знаний в экспертных системах: учебное пособие - Екатеринбург: Изд-во Урал. ун-та, 2017. - 120 с.
5. Исаев, С. В. Интеллектуальные системы: учебное пособие Красноярск : СФУ, 2017. - 117 с.
6. Птицына, Л. К. Интеллектуальные системы и технологии: учебное пособие/ Санкт-Петербург : СПбГУТ им. М.А. БончБруевича, 2019. – 231.